

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**МАДАМИНОВА ГЎЗАЛ ИБРАГИМОВНА**

**ОНАДАГИ ТАЖРИБАВИЙ ГИПОТИРЕОЗ ШАРОИТИДА ТУҒИЛГАН**  
**АВЛОДДА УРУҒДОННИНГ ПОСТНАТАЛ РИВОЖЛАНИШИНИ**  
**СТРУКТУР ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.02-Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Мадаминава Гўзал Ибрагимовна**

Онадаги тажрибавий гипотиреоз шароитида туғилган авлодда  
уруғдоннинг постнатал ривожланишини структур хусусиятлари..... 3

**Мадаминава Гузал Ибрагимовна**

Структурные особенности постнатального развития семенников  
потомства в условиях экспериментального гипотиреоза у матери..... 21

**Madaminova Guzal Ibragimovna**

Structural features of the postnatal development of the testes of the offspring  
in conditions of experimental hypothyroidism in the mother ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**МАДАМИНОВА ГЎЗАЛ ИБРАГИМОВНА**

**ОНАДАГИ ТАЖРИБАВИЙ ГИПОТИРЕОЗ ШАРОИТИДА ТУҒИЛГАН**  
**АВЛОДДА УРУҒДОННИНГ ПОСТНАТАЛ РИВОЖЛАНИШИНИ**  
**СТРУКТУР ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.02-Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib831 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Азизова Феруза Хусановна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Орипов Фирдавс Суръатович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Рахматова Муқаддас Холтаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [info@tma.uz](mailto:info@tma.uz)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И.Шайхова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Ш.Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Р.Дж.Усманов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда сўнгги йилларда инсониятнинг репродуктив саломатлиги муаммоси тобора муҳим аҳамият касб этган ҳолда тиббий-ижтимоий муаммога айланиб бормоқда. Туғилишни назорат қилиш масалаларини ҳал қилишда иккита мутлақо қарама-қарши ҳолат мавжуд: бир томондан, дунё аҳолисининг маълум бир қисми ишончли ва замонавий контрацепция воситаларига муҳтож бўлса, бошқа томондан, миллионлаб турмуш қурган жуфтликлар репродуктив функцияларнинг оғир нейроэндокрин касалликлари туфайли тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб қолмоқда. Замонавий тиббий-биологик билимларни ривожланишининг ҳозирги ҳолати эндокринологиянинг инсон репродуктив саломатлиги муаммосига кенг кириб бориши билан боғлиқ<sup>1</sup>. Репродуктив ва эндокрин тизимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бир қатор илмий-тадқиқот ишларининг натижаларида кўрсатилган. Бунда қалқонсимон безнинг репродуктив тизим билан ўзаро алоқаси муҳим аҳамиятга эга. Экспериментал тадқиқотлар натижасида қалқонсимон без гормонлари, шунингдек тиреотроп гормони жинсий безларнинг генератив ва эндокрин функцияларига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиши тасдиқланган. Турли манбалардан олинган маълумотларга кўра ҳомиладорликдаги гипотиреоз барча ҳомиладор аёлларнинг 2-2,5% да кузатилади ва у субклиник ёки манифест кўринишларда намоён бўлади. Шифокорлик амалиётида ҳомиладор аёллар гипотиреози муаммоси долзарб ҳисобланади, чунки инсон организмидаги деярли ҳар бир ҳужайранинг меъёрий ривожланиши ва фаолияти учун зарур бўлган қалқонсимон без гормонларининг етишмовчилиги оқибатида барча органлар ҳамда тизимларда жиддий ўзгаришлар келиб чиқади.

Жаҳонда оналардаги қалқонсимон без етишмовчилиги шароитида туғилган авлодда кузатиладиган салбий асоратларни олдини олишга қаратилган кенг кўламли илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, оналардаги гипотиреознинг улардан туғилган авлод репродуктив тизимини постнатал ривожланишига таъсир механизминини аниқлаш, оналардаги қалқонсимон без етишмовчилиги шароитида туғилган авлоднинг постнатал ривожланишида юзага келиши мумкин бўлган репродуктив бузилишларни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, уни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, репродуктив саломатлик ҳолатини издан чиқиши натижасида юзага келадиган асоратларни олдини олиш ва эрта аниқлашга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини

---

<sup>1</sup> Климов В.С., Абатурова Л.О., Любимая Д.Р. Нарушение репродуктивной функции при патологии щитовидной железы // Молодой ученый. - 2017. - № 14.2 (148.2). - С. 22-25.

янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...», «...репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, оналардаги тиреоид гормонлар етишмовчилигининг улардан олинган авлод уруғдонларини ривожланишига таъсирининг структур механизмларини очиб бериш ва шу орқали эркаклар бепуштлигини олдини олиш, эрта аниқлаш ва самарали даволаш усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-216-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Яқин хорижий олимлар томонидан организмдаги гипо- ва гипертиреоз ҳолатларнинг жинсий безлар фаолиятига таъсирига бағишланган кўплаб илмий тадқиқот ишлари мавжуд (М.М.Есина, 2017; И.Л.Алимова, 2017; Ю.А.Петров, А.Е.Блесманович, 2018) ва узоқ (Mehfooz A., Wei Q. et al., 2017; Acharya N., 2011; Auharek S.A. et al., 2010, 2012; Castañeda Cortés D.C., 2020; Ibrahim A.A., Mohammed N.A. et al., 2021; Saran S. et al., 2016). Узоқ вақт давомида уруғдонларга қалқонсимон безнинг функционал ҳолатига боғлиқ бўлмаган орган сифатида қараб келинган. Қалқонсимон без дисфункциясининг репродуктив тизим фаолиятига таъсири бўйича ўтказилган клиник ва экспериментал тадқиқотларнинг хилма-хиллиги ва номувофиқлигини шу билан тушунтириш мумкин. Клиник кузатишлар қалқонсимон без дисфункциялари, айниқса, унинг гипофункционал ҳолати эркакларда уруғдонларнинг генератив ва эндокрин фаолиятига салбий таъсир этишини кўрсатади (Д.Н.Величко ва ҳаммуал., 2017; Ж.С.Спивак, В.А.Бондаренко, 2015; Т.В.Шелковникова,

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

С.А.Догадин, 2013; Krassas G.E. et al., 2008, 2010). Шу билан бирга, қалқонсимон без гормонлари етишмовчилигининг сперматогенез жараёнига таъсири характери ва механизми ноаниқ ва мунозарали бўлиб қолмоқда. Бу айниқса, эмбрионал давр ҳамда уруғдонларнинг сперматоген ва эндокрин функциялари тўлиқ шаклланадиган постнатал ривожланиш давридаги организмнинг гипотиреоз ҳолатига тегишли. Бу ўринда, онадаги гипотиреоз ҳолатининг унинг авлодларини пренатал ва постнатал ривожланиши ҳамда репродуктив тизимининг фаолиятига таъсири жуда кам ўрганилган, олинган маълумотлар турли-туман, баъзан эса бир-бирига зид характерга эга (Flood D.E. et al., 2013; Krassas G.E., 2010).

Ўзбекистонда қалқонсимон без дисфункцияларининг турли аъзоларга, жумладан асаб, юрак-қон томирлар, аёллар репродуктив тизимига таъсири борасида қатор клиник ва экспериментал тадқиқотлар олиб борилмоқда (А.А.Юнусов, 2014; Қ.Р.Тўхтаев, 2019; У.М.Миршарапов, 2022; Ф.С.Орипов, 2022; С.Блинова, 2022), бироқ, ушбу патологиянинг эркаклар жинсий безларига таъсири масаласи мунозарали бўлиб қолмоқда.

Замонавий маҳаллий ва хорижий адабиёт манбааларида гипотиреоз билан оғриган аёллардан туғилган авлод уруғдонларининг генератив ва эндокрин қисмларини постнатал даврда ривожланишининг морфофункционал ўзига хос хусусиятларини комплекс баҳолашга қаратилган маълумотлар мавжуд эмас. Эркаклар бепуштлигининг кўпайиши, ҳомиладор аёлларда гипотиреоз муаммосининг ўта муҳим эканлиги, унинг авлод репродуктив тизимини постнатал ривожланишига салбий таъсирининг структур ва функционал механизмларини ноаниқлиги ва етарли даражада ўрганилмаганлиги ушбу йўналишдаги тадқиқотларнинг долзарблиги юқори даражада эканлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Турли хил тажрибавий патологияларда иммун ва ҳазм тизими аъзоларининг постнатал ривожланишида организм ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг функционал-метаболик ва структур тавсифлари» (2018-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** онадаги тажрибавий гипотиреоз шароитида туғилган авлодда уруғдонларнинг постнатал ривожланишини структур хусусиятларини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

тажрибавий гипотиреоз чақирилган урғочи каламушлардан туғилган авлоднинг физиологик етуклик кўрсаткичларини баҳолаш;

тажрибавий гипотиреоз чақирилган урғочи каламушлардан олинган авлодда гипофиз-қалқонсимон без-уруғдон тизимида иштирок этувчи қалқонсимон без, гипофиз ва уруғдон гормонлари концентрациясини баҳолаш;

тажрибавий гипотиреоз чақирилган урғочи каламушлардан туғилган жинсий етилган авлодда уруғдонларнинг морфологик ва морфометрик ўзига

хос хусусиятларини баҳолаш;

тажрибавий гипотиреоз чақирилган урғочи каламушлардан туғилган жинсий етилган авлод уруғдонларида хужайраларнинг пролифератив фаоллиги ва апоптози даражасини иммуногистокимёвий баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида вазни 160-180 грамм бўлган, илгари туғмаган, зотдор бўлмаган 50 та урғочи оқ каламушлар ва улардан туғилган жами 369 та (222 та назорат гуруҳи, 147 та тажриба гуруҳи) каламуш болалари, уруғдонларнинг морфологик, морфометрик ва иммуногистокимёвий текширувлари учун жинсий етилган 70 та каламуш болалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида тажрибавий гипотиреоз чақирилган урғочи каламушлардан туғилган авлоднинг постнатал ривожланиш динамикасида физиологик етуклик кўрсаткичлари, гормонал статуси ва уруғдонларининг структур-функционал хусусиятларини комплекс баҳолаш натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Ондаги тажрибавий гипотиреоз шароитида туғилган авлодда уруғдоннинг постнатал ривожланишини структур хусусиятларини комплекс баҳолаш учун ёруғлик микроскопияси, морфометрик, иммуногистокимёвий, иммунофермент ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

урғочи каламушларда чақирилган тажрибавий гипотиреоз улардан туғилган авлоднинг постнатал даврда физиологик ривожланиши, гипофиз-қалқонсимон без-тестикуляр тизим гормонлари ва уруғдонларнинг структур-функционал шаклланишига салбий таъсир этиши исботланган;

урғочи каламушларда чақирилган тажрибавий гипотиреоз вояга етган авлод уруғдонларида эгри-бугри найларнинг сони ва диаметри, сперматогенез индексини камайиши, сперматоген эпителийнинг миқдор ва сифат таркиби ўзгариши билан намоён бўладиган сперматогенез жараёнининг сезиларли бузилишига олиб келиши исботланган;

оналар гипотиреоидизми шароитида туғилган авлодда уруғдон хужайраларининг пролиферацияси ва апоптоз жараёнлари ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши исботланган;

хужайра пролиферацияси ва апоптоз жараёнлари ўртасидаги номутаносиблик тажрибавий гипотиреоидизм шароитида туғилган етук авлод уруғдонларининг генератив ва эндокрин фаолиятини бузилишининг асосий сабаби эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қалқонсимон без гормонларининг жинсий безларни тўлақонли шаклланиши ва фаолият юритишида ўта муҳим эканлиги асосланган;

ҳомиладор аёллар ва болаларда гипотиреозни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш келажакда эркаклар бепуштлигини олдини олишнинг муҳим шарти ҳисобланиши белгиланган;

тажрибавий гипотиреоз чақирилган урғочи каламушлардан туғилган авлодда гипофиз-қалқонсимон без-тестикуляр тизим ва уруғдонларнинг постнатал ривожланиши ва шаклланиши жараёнларини бузилишининг

структур-функционал механизмларини аниқлаш эҳтимолий асоратларни олдини олиш ва даволашнинг у ёки бу патогенетик усулларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган морфологик, морфометрик, иммунофермент, иммуногистокимёвий ва статистик тадқиқот усуллар асосида онадаги тажрибавий гипотиреоз шароитида туғилган авлодда уруғдоннинг постнатал ривожланишини структур хусусиятларининг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оналардаги гипотиреознинг авлодда гипофизар-тиреоид-тестикуляр тизим ва уруғдонларнинг постнатал ривожланиши ва шаклланишига таъсирининг морфофункционал механизмларини очиб бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гипотиреозли оналардан туғилган авлодда гипофизар-тиреоид-тестикуляр тизим ва уруғдонларнинг постнатал ривожланишини бузилишларига олиб келувчи морфофункционал механизмлар кейинчалик ривожланиши мумкин бўлган салбий оқибатлар, жумладан эркаклар бепуштлигини олдини олиш ва даволашнинг у ёки бу патогенетик усулларини тайинлаш учун асос бўлиши, авлодда уруғдонларнинг генератив ва эндокрин функцияларини бузилиши, гормонал дисбаланснинг ривожланиши механизмида хужайраларнинг пролифератив фаоллигининг пасайиши ва апоптоз жараёнининг кучайиши етакчи ўрин эгаллаши, бу эса, ўз навбатида, ҳомиладор аёллар ва ёш болаларда қалқонсимон без фаолиятини мунтазам мониторингини юритиш, уларда гипотиреоз ҳолатини эрта аниқлаш ва бартараф этишга йўналтирилган патогенетик профилактика ва даволаш усулларини ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Онадаги тажрибавий гипотиреоз шароитида туғилган авлодда уруғдоннинг постнатал ривожланишини структур хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

оналардаги тажрибавий гипотиреоз шароитида туғилган авлод уруғдонларидаги морфологик ва морфометрик ўзгаришлар ҳамда гипофиз-қалқонсимон без-уруғдон тизими гормонлари кўрсаткичларини баҳолаш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Гестацион гипотиреозли оналардан туғилган авлод уруғдонларининг постнатал ривожланишини морфологик кўрсаткичлари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 10 октябрдаги 8н-з/539-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома гипотиреозли урғочи каламушлардан туғилган авлодда постнатал ривожланиш даврида уруғдонларда юзага келадиган морфологик, морфометрик ва

иммуногистокимёвий ўзгаришлар ва гипофиз-қалқонсимон без-уруғдон тизимидаги мувозанатнинг бузилишини баҳолаш имконини берган;

онадаги тажрибавий гипотиреоз шароитида туғилган авлодда уруғдоннинг постнатал ривожланишини структур хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Хоразм вилояти Урганч шаҳар 3-сон шаҳар оилавий поликлиникаси ва Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 2 февралдаги 08-02410-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши гипотиреозли оналардан туғилган авлодда бирламчи гипотиреозни эрта ташхислаш ва даволаш, туғилгандан кейинги узоқ даврда ривожланиши мумкин бўлган эркаклар бепуштлигини олдини олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари баён этилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сперматогенез жараёнининг бошқарилишида тиреоид гормонларнинг роли**» деб номланган биринчи бобида сперматогенез жараёнини бошқарилишида гипофиз-қалқонсимон без-уруғдон тизимидаги ўзаро муносабатлар, қалқонсимон без дисфункцияларида уруғдонларнинг морфофункционал хусусиятлари бўйича замонавий жаҳон адабиёти маълумотларининг батафсил таҳлили натижалари келтирилган. Ҳанузгача оналардаги гипотиреоз ҳолатининг эркаклар жинсий безларини постнатал ривожланиши ва шаклланишига таъсирининг структур механизмлари етарлича тўлиқ аниқланмаганлиги ва бу муаммонинг ечимини топиш борасида илмий-тадқиқотларни давом эттириш зарурлиги асослаб берилган.

Диссертациянинг «Тажрибада урғочи каламушларда чақирилган гипотиреознинг авлод уруғдонларига таъсирини ўрганиш методологияси» деб номланган иккинчи бобида фойдаланилган экспериментал материал ва ўтказилган тажрибалар ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, асосий микроскопик, морфометрик, иммуногистохимёвий, иммунофермент ва статистик тадқиқот усуллари ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Тадқиқотлар учун вазни 160-180 грамм бўлган, илгари туғмаган, зотдор бўлмаган 50 та урғочи оқ каламушлар ва улардан туғилган жами 369 та (назорат гуруҳи – 222 та, тажриба гуруҳи – 147 та) каламуш болалари олинди. Уруғдонларнинг морфологик, морфометрик ва иммуногистохимёвий текширувлари жинсий етилган 70 та каламуш болаларида амалга оширилди. Тажриба ҳайвонлари оддий лаборатория рациони шароитида сақланди. Тадқиқот икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда соматик ва юқумли касалликлар истисно этилгандан сўнг барча урғочи каламушлар икки гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ каламушлари (25 та)га 21 кун давомида 100 грамм тана вазнига нисбатан 0,5 мг миқдорда антитиреоид дори воситаси - мерказолил юборилиб, уларда тажрибавий гипотиреоз чақирилди. 2-гуруҳ (интакт) урғочи каламушлари (25 та)га тенг миқдорда стерилланган физиологик эритма юборилди ва ҳар иккала каламушлар гуруҳи кузатув остига олинди. Қайд этиш лозимки, мерказолил дори воситаси юборилгандан сўнг 2 ҳафта ўтгач, 1-гуруҳ каламушларининг аксариятида ҳаракат фаоллиги ва иштаҳанинг бирмунча пасайиши, уйқучанлик, жун қопламасининг хиралашиши аниқланди. Қалқонсимон безнинг функционал ҳолатини аниқлаш мақсадида тажрибанинг 15- ва 22-кунлари ҳар иккала гуруҳдан 10 тадан тажриба ҳайвонларининг қон зардобидаги тиреотроп гормони (ТТГ) ва эркин тироксин (Т<sub>4</sub>) гормонлари концентрацияси текширилди.

Эркин Т<sub>4</sub> гормони концентрациясининг барқарор пасайиши аниқлангандан сўнг, тажрибанинг иккинчи босқичига ўтилди, яъни урғочи каламушлар соғлом эркак каламушлар билан қўшилди ва уларда ҳомиладорликни юзага келиши кузатилди. Ҳомиладорликнинг бошланиши урғочи каламушларнинг қин суртмаларида сперматозоидлар аниқланишига қараб назорат қилинди. Ҳомиладорлик юзага келганидан сўнг урғочи каламушлар эркак каламушлардан ажратилди, кейинги тадқиқотлар учун алоҳида қафасларга жойлаштирилди. Ҳомиладорлик ва лактация даврларида урғочи каламушларга мерказолил дори воситасининг 100 грамм тана вазнига 0,25 мг миқдорида ушлаб турувчи дозасини юбориш давом эттирилди, яъни тажриба гуруҳи каламушларида уруғланиш, ҳомиладорлик ва лактация даврлари мерказолил билан чақирилган гипотиреоз шароитида ўтди.

Тажрибавий гипотиреоз чақирилган урғочи каламушлардан туғилган каламуш болалари сони 147 тани ташкил этди, интакт урғочи каламушлардан 222 та каламуш болалари туғилди. Туғилгандан сўнг 7 кун давомида назорат гуруҳидаги 222 та каламуш болаларидан 6 (2,7%)таси, тажриба гуруҳида эса 147 та каламуш болаларидан 11 (7,5%)таси нобуд бўлди.

Ҳар иккала гуруҳдаги урғочи каламушларнинг авлодлари постнатал онтогенезнинг 1, 7, 14, 21, 30 ва 60-кунларида ўрганилди. Туғилгандан сўнг

каламуш болалари бир ой давомида она каламушлар билан бирга бўлди, сўнгра улар жинси бўйича алоҳида қафасларга жойлаштирилди.

Кейинги тадқиқотларда каламуш болалари сонини барқарорлаштириш мақсадга мувофиқ деб топилди ва 70 та эркак каламуш болалари ажратиб олинди: 35 та тажрибавий гипотиреоз чақирилган урғочи каламушлардан туғилган каламуш болалари (тажриба гуруҳи) ва 35 та интакт урғочи каламушлардан туғилган каламуш болалари (назорат гуруҳи). Тадқиқотни ўтказиш схемаси 1-жадвалда келтирилган (1-жадвалга қаранг).

### 1-жадвал

#### Тадқиқотни ўтказиш босқичлари (тадқиқот дизайни)

Тадқиқотни ўтказиш босқичлари	Муддат	Каламуш сони
Тажриба гуруҳи урғочи каламушларига 0,5 мг/100 грамм миқдорида мерказолил, назорат гуруҳи каламушларига тенг миқдорда физиологик эритма юбориш	21 кун давомида	25 (25)*
Урғочи каламушларда ТТГ ва эркин Т <sub>4</sub> гормонлари концентрациясини аниқлаш	15- ва 22-кун	10 (10)
Урғочи каламушларни соғлом эркак каламушлар билан қўшиш	22-кун	25 (25)
Тажриба гуруҳи урғочи каламушларига 0,25 мг/100 грамм миқдорида мерказолил, назорат гуруҳига тенг миқдорда физиологик эритма юборишни давом эттириш	Ҳомиладорлик ва лактация даврларида	25 (25)
Каламуш болаларининг физиологик ривожланишини баҳолаш	Туғилгандан сўнг 1-30 кун давомида	147 (222)
Каламуш болаларида ТТГ, эркин Т <sub>4</sub> , Т <sub>3</sub> гормонлари концентрациясини аниқлаш	Туғилгандан кейинги 1, 7, 14, 21, 30 кунлар	50 (50)
Эркак каламуш болаларида ТТГ, ФСГ, ЛГ, эркин Т <sub>4</sub> , Т <sub>3</sub> , тестостерон гормонлари концентрациясини аниқлаш	Туғилгандан кейинги 60 кун	10 (10)
Каламуш болалари уруғдонларини морфологик, морфометрик ва иммуногистокимёвий ўрганиш	Туғилгандан кейин 60-кун	35 (35)

Изоҳ\*: қавс ичида назорат гуруҳи каламушлари сони кўрсатилган.

Постнатал ривожланиш даврида каламуш болаларининг физиологик ривожланиши (қулоқ супрасининг ажралиши, жун билан қопланиши, кўзининг очилиши, курак тишларининг чиқиши, уруғдонларнинг мойка тушиши, тана ва уруғдонлар вазнининг ўсиш динамикаси, уруғдоннинг оғирлик индекси), тиреотроп ва тиреотид гормонлар концентрациялари ўрганилди.

Уруғдоннинг генератив ва эндокрин фаолияти аъзодаги ёшга боғлиқ ўзгаришларни тадқиқот натижаларига таъсирини истисно қилиш мақсадида жинсий етилган 60 кунлик каламуш болаларида ўрганилди.

Тадқиқотларда ёруғлик микроскопияси, морфометрик, иммуногистокимёвий, иммунофермент ва статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги 60 кунлик каламуш болалари эрталаб,

оч коринга, енгил эфир наркози остида жонсизлантирилди. Морфологик текширувлар учун уруғдонлар ажратиб олинди, оғирлиги ўлчанганидан сўнг 10% ли нейтрал формалин эритмасида фиксация қилинди, сўнгра концентрацияси ошиб борувчи спиртларда сувсизлантирилди ва парафинга куйилди. Гематоксилин ва эозин бўёғи билан бўялган, қалинлиги 5-7 мкм бўлган кесмалар морфологик ва морфометрик усуллар ёрдамида ўрганилди.

Морфометрик текширувларни ўтказиш учун Г.Г.Автандилов тўри ва NanoZoomer (REF C13140-21.S/N000198/HAMAMATSU PHOTONICS /431-3196 JAPAN) Hamamatsu (QuPath-0.4.0, NanoZoomer Digital Pathology Image) морфометрик компьютер дастуридан фойдаланилди. Парафинли кесмаларда уруғдондаги эгри-бугри найлар сони ва уларнинг диаметри, турли (I-V) эгри-бугри уруғ найларининг нисбати, сперматоген эпителийнинг қалинлиги, сперматогенез индекси, интерстициал тўқима майдони аниқланди. Сперматогенезнинг VII-VIII циклида бўлган 20 та эгри-бугри уруғ найларида сперматогонийлар, сперматоцитлар, сперматидлар, сперматозоидлар ва Сертоли хужайралари сони, интерстициал тўқимада 20 та кўриш майдонида эндокрин glandулоцитлар (Лейдиг хужайралари) сони саналди.

Иммуногистокимёвий текширув усули ёрдамида уруғдонларда хужайраларнинг пролифератив фаоллиги ва апоптоз даражаси баҳоланди. Пролиферацияланувчи хужайраларнинг маркер субстратлари Ki-67 (30-9) га нисбатан моноклонал куён антитаналари, апоптоз ҳолати Bcl-2 га нисбатан моноклонал куён антитаналари ёрдамида баҳоланди.

Уруғдонларнинг парафинли кесмаларида пролиферацияланувчи ва апоптоз хужайралари VentanaXT автоматик иммуногистостейнерида аниқланди. Кесмалар гематоксилин билан бўялди. Хужайралардаги маркерларга нисбатан реакция маҳсулотлари тўқ жигаррангли тузилмалар кўринишида аниқланди. Эксперессия даражаси сперматогенезнинг турли босқичларидаги жинсий хужайралар, Сертоли ва Лейдиг хужайраларида тегишли тузилмаларнинг бўялиш интенсивлиги асосида баҳоланди. Бунда, кучсиз экспрессия – «+», ўртача экспрессия - «++», кучли экспрессия - «+++», реакциянинг йўқлиги «-» белгилари билан ифодаланди.

Пролиферация индекси ва антиапоптотик индекс ёруғлик микроскопида 400 марта катталаштирилганда 10 та кўриш майдонида уруғдоннинг 100 та хужайраларига нисбатан мос равишда Ki-67 ва Bcl-2-позитив хужайралари сонини санаш йўли билан аниқланди ва кўрсаткичлар фоизларда ифодаланди.

Иммунофермент таҳлил усулида туғилганидан кейинги 1, 7, 14, 21, 30, 60-кунларда каламуш болаларидан олинган қон зардобиди «HUMAN» (Германия) компаниясининг махсус тўпламлари ва «SINGL» спектрофотометри (Германия)дан фойдаланган ҳолда эркин тироксин (Т<sub>4</sub>), трийодтиронин (Т<sub>3</sub>) ва тиреотроп (ТТГ) гормонлари, 60 кунлик каламуш болаларида кўшимча лютеинловчи (ЛГ), фолликулстимулловчи (ФСГ) гормонлар ва тестостерон (ТС) концентрацияси аниқланди.

Барча рақамли маълумотларга вариацион статистик усулида ишлов берилди. Ҳисоб-китоб ва статистик таҳлил Windows дастурий статистик

пакетидан фойдаланган ҳолда ўтказилди. Назорат ва тажриба гуруҳлари ўртасидаги статистик фарқ Стьюдент тестидан фойдаланган ҳолда таққосланди ва фарқлар  $P < 0,05$  да ишончли деб топилди.

Диссертациянинг «**Тажрибавий гипотиреоз чақирилган урғочи каламушлардан туғилган авлоднинг илк постнатал даврда ривожланишини ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида тажрибавий гипотиреоз чақирилган урғочи каламушларнинг фертилик қобилияти, улардан туғилган авлоднинг постнатал даврда физиологик ривожланиши ва гипофиз-қалқонсимон без-уруғдон тизими гормонларини иммунофермент текшириш натижаларига оид маълумотлар келтирилган.

Тажрибавий гипотиреоз урғочи каламушларда фертилик қобилияти ва ҳомиладорликнинг кечишига салбий таъсир қилди. Тажриба гуруҳи хайвонларида ўтказилган қин суртмалари таҳлили деярли барча каламушларда жинсий циклнинг бузилишини кўрсатди: эстрал циклнинг ўртача давомийлиги 68% хайвонларда – 5,9 кун, 24% хайвонларда – 7,3 кун, 8% хайвонларда – 11,4 кунни ташкил қилди, назорат гуруҳида эса ушбу кўрсаткич – 4,7 кунга тўғри келди.

Соғлом эркак каламушлар билан қўшилгандан сўнг барча интакт урғочи каламушларда 1-5 кун ичида ҳомиладорлик юзага келди ва у 21-23 сутка давом этди. Ушбу каламушлардан жами 222 та каламуш болалари туғилди. Тажрибавий гипотиреоз чақирилган урғочи каламушларнинг 59,5% да эркак каламушлар билан қўшилгандан сўнг ҳомиладорликни юзага келиши назорат гуруҳига нисбатан ўртача 3-5 кунга, ҳомиладорлик муддати 24-26 кунга чўзилди. Тажриба гуруҳидаги каламушлардан жами 147 та каламуш болалари туғилди. Гипотиреоз чақирилган 2 (8%)та урғочи каламушда бутун тажриба давомида ҳомиладорлик кузатилмади.

Интакт гуруҳда битта урғочи каламушдан туғилган каламуш болалари сони ўртача – 8,9 тани ташкил этди, гипотиреоз чақирилган тажриба гуруҳида эса ушбу кўрсаткич ўртача – 6,4 тани ташкил этиб, 28% га камайди, бу эҳтимол урғочи каламушларда етилган ва овуляцияга учраган фолликулалар сонининг камайиши билан боғлиқ.

Постнатал ўлим назорат гуруҳида 2,7% (6 та) ни, тажриба гуруҳида эса 7,5% (11 та) ни ташкил этди, ҳар иккала гуруҳда каламуш болаларининг ўлими туғилгандан сўнг дастлабки 7 сутка давомида қайд этилди.

Туғилган каламуш болаларини жинс бўйича таҳлили тажриба гуруҳида эркак каламушлар улушининг камайганлигини кўрсатди, назорат ва тажриба гуруҳларида туғилган урғочи ва эркак каламуш болаларининг улуши мос равишда 52,8:47,2 ва 59,4:40,6 ни ташкил этди.

Каламуш болаларининг физиологик ривожланишини кузатиш натижасида тажриба гуруҳи каламушларида қулоқ супрасининг ажралиши, тананинг бирламчи жун билан қопланиши каби кўрсаткичларни деярли физиологик меъёрларга мослиги ва назорат гуруҳи кўрсаткичларидан ишончли фарқ қилмаганлиги, шу билан бирга назорат гуруҳига нисбатан мазкур гуруҳда уруғдонларнинг мойка тушишини – 4,7 кунга, курак

тишларининг чиқишини – 1,2 кунга, кўзларнинг очилишини – 1,9 кунга, тананинг иккиламчи жун билан қопланиши – 1,0 кунга кечикиши аниқланди.

Маълумки, илк постнатал онтогенез даврида тана вазнининг ўсиш динамикасини пасайиши физиологик ноетуклик белгиларидан бири ҳисобланади. Тадқиқотимизда тажриба гуруҳида тана вазнининг ошиш жараёни назорат гуруҳига нисбатан орқада қолиши қайд этилди. Каламуш болаларида тана вазнини кунлик ўсиши динамикасини ўрганиш натижасида куйидагилар аниқланди: туғилгандан сўнг дастлабки 2 ҳафта (1–14 кунлар) давомида назорат гуруҳи каламушларида тана вазнининг кунлик ўсиши  $0,98 \pm 0,05$  г ни ташкил этган бўлса, гипотиреозли оналардан туғилган авлодда ушбу кўрсаткич –  $0,87 \pm 0,04$  г га тенг бўлди; туғилгандан кейинги 15 – 30 кунларда кунлик тана вазнини ўсиши назорат ва тажриба гуруҳларида мос равишда –  $1,49 \pm 0,06$  г ва  $1,39 \pm 0,04$  г, 30 – 60 кунларда эса мос равишда  $1,40 \pm 0,07$  ва  $1,27 \pm 0,06$  г ни ташкил этди.

Шундай қилиб, постнатал ривожланиш даврида каламушларнинг тана оғирлигини кунлик ўсиш кўрсаткичи соғлом урғочи каламушлардан олинган авлодларга нисбатан тажриба ўтказилган гуруҳда сезиларли даражада камайганлиги кузатилди.

Жинсий безларнинг вазн хусусиятлари ҳайвонларнинг жинсий етилганлигини белгиловчи асосий физиологик кўрсаткичлардан бири эканлигини инобатга олиб, жинсий етилган 60 кунлик назорат ва тажриба гуруҳи каламуш болаларида уруғдон вазни индексини ҳам ўргандик. Ўрганишлар уруғдон вазни индексининг назорат гуруҳи каламушларига нисбатан бирмунча ошганлигини кўрсатди: 60 кунлик тажриба гуруҳи каламушларида тана вазни –  $76,6 \pm 3,7$  г, уруғдон вазни –  $0,64 \pm 0,031$  г, уруғдон вазни индекси –  $0,84 \pm 0,041$  ни ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида ушбу кўрсаткичлар мос равишда  $84,2 \pm 4,3$  г;  $0,67 \pm 0,033$  г ва  $0,79 \pm 0,039$  га тенг бўлди.

Олинган натижалар асосида хулоса қилиш мумкинки, тажрибада чақирилган гипотиреоз урғочи каламушларнинг фертилик қобилиятини пасайтиради, улардан туғилган авлоднинг постнатал даврда физиологик ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, бу туғилгандан сўнг дастлабки бир ҳафта давомида назорат гуруҳига нисбатан нобуд бўлган каламуш болалари сонининг ортиши, динамикада тана вазни ошишининг секинлашиши, физиологик етуклик белгиларининг шаклланиш жараёнларини кечикиши билан ифодаланади.

Тадқиқотимизнинг навбатдаги босқичи соғлом ва тажрибавий гипотиреоз ҳолатидаги урғочи каламушлардан туғилган авлодларнинг постнатал ривожланиш даврида гипофиз-қалқонсимон без-уруғдон тизими гормонлари концентрациясини ўрганишдан иборат бўлди. Тиреоид гормонлар ва ТТГ концентрацияси туғилгандан кейинги 1, 7, 14, 21, 30 ва 60-кунларда ўрганилди.


Урғочи каламушларда ҳомиладорликкача чақирилган гипотиреоз ҳолати улардан туғилган авлод қалқонсимон беzi фаолиятида сезиларли ўзгаришларга олиб келди. Бу тадқиқотнинг барча муддатларида тажриба гуруҳидаги каламушлар авлодларининг қон зардобидаги  $T_3$  ва  $T_4$

концентрациясини назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада камайиши билан ифодаланди. Т<sub>3</sub> ва Т<sub>4</sub> гормонлари миқдоридаги энг катта фарк туғилганидан кейинги 14- ва 21-кунларда кузатилди. Бунда тажриба гуруҳи каламушларининг қон зардобидаги гормонлар миқдори назорат гуруҳига нисбатан 1,3-1,4 марта кам эканлиги қайд этилди. Қалқонсимон без гормонлари миқдорининг камайиши ТТГ концентрациясининг ишончли ошиши билан бирга кечди.

60 кунлик тажриба ҳайвонларида қалқонсимон без гормонлари миқдорининг назорат гуруҳига нисбатан паст даражаси сақланиб қолди. Ушбу гуруҳ каламушларида эркин Т<sub>4</sub> миқдори назорат гуруҳига нисбатан 1,5 марта кам бўлди. Бу ҳолат қалқонсимон безнинг гормон ишлаб чиқариш фаолиятининг сезиларли даражада сусайганлигидан далолат беради. Қалқонсимон безнинг гипофункциясига жавобан компенсатор механизм сифатида қон зардобидаги ТТГ миқдори 1,7 марта ошганлиги кузатилди.

